



ISLAM AS AN IMPORTANT FACTOR IN SHAPING THE SPIRITUAL IDENTITY OF YOUTH IN THE CONTEXT OF NEW UZBEKISTAN

Abdurassul Hakimovich Amonlaev

Head of the Department of Social Sciences

Candidate of Philosophical Sciences, Associate Professor

Jizzakh State Pedagogical University

Jizzakh, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: globalization, Holy Qur'an, Hadith, faith, knowledge, example, honesty, truthfulness, Islamic scholarship and values, the path of moral guidance, human virtues, and others.

Abstract: The article explains that the primary sources of Islam — the Holy Qur'an, the Hadiths, the scholarly heritage of great muhaddiths, and the guidance of enlightened scholars — serve as an invaluable foundation and spiritual treasure in shaping the spiritual identity of young people.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИСЛОМ ДИНИ МУХИМ ОМИЛ СИФАТИДА

Абдурасул Ҳакимович Амонлаев

Ижтимоий фанлар кафедраси мудири

Фалсафа фанлари номзоди, доцент

Жиззах давлат педагогика университети

Жиззах, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Глобаллашув, Куръони Карим, ҳадиси шариф, иймон, илм, ибрат, ҳалоллик, ростгўйлик, Ислом илми ва қадриятлари, ибрат йўли, инсон фазилятлари ва бошқалар.

Аннотация: Мақолада ислом дини манбалари бўлган Куръони Карим, ҳадиси шариф ва буюк муҳаддисларнинг бизга қолдирган илмий мероси ва маърифат аҳлининг ўғитлари ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришда бебаҳо асос, маънавий хазина эканлиги баён қилинган.

ИСЛАМ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ ДУХОВНОГО ОБЛИКА МОЛОДЕЖИ В УСЛОВИЯХ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Абдурасул Хакимович Амонлаев

Заведующий кафедрой общественных наук

Кандидат философских наук, доцент

Джизакский государственный педагогический университет

Джизак, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: глобализация, Священный Коран, хадисы, вера, знание, пример, честность, правдивость, исламские науки и ценности, путь наставления, человеческие добродетели и др.

Аннотация: В статье раскрывается, что источники ислама — Священный Коран, хадисы Пророка и научное наследие великих мухаддисов, а также наставления просветителей являются бесценной основой и духовным богатством в формировании духовного облика молодежи.

Кириш. Учинчи минг йиллик жаҳонда ахборот ва улкан техникавий имкониятларнинг ниҳоятда жадал суръатларда такомиллашиши ва жамият тараққиётига ҳар соҳада жорий этилиши билан муҳим аҳамият касб этди. Аммо, инсоният олдида турган муаммолар ўз ечимини топганича йўқ. Глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, диний экстремизм ва халқаро терроризм хавфининг кучайиши, турли миллатлар ўртасидаги диний ва миллий низоларнинг юзага келиши оқибатида инсонлар ҳаёти парокандаликка юз тутаётганлиги шундай хулосаларга олиб келиши табиий. Бундай хавф–хатарлар инсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиётига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда миллий анъана ва қадриятларимизни ривожлантириш, улуғ аллома аждодларимиз илмий меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат, илм-маърифатли, интеллектуал баркамол авлод этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “... ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала, ҳақиқатдан ҳам, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”[1].

Асосий қисм. Маълумки, ислом дини инсон камолотининг маънавий-руҳий заминига катта аҳамият беради. Бу нарса жамият ҳаётида, ижтимоий ва оилавий муносабатларда, фарзанд тарбиясида ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат Қуръони Каримда яхшилик ва покизаликнинг нақадар буюк неъмат эканлиги, бировга озор бермаслик, тил билан дилни доимо бир тутиш, ночорларга закот бериш ва кўнглини кўтариш чин инсоний фазилат эканлиги хусусида жуда кўп эслатмалар мавжуд. Бу жиҳатдан ислом дини – буюк қадрият,

авлоддан-авлодга ўтиб келаётган беназир ибрат ҳақидаги хазинадир. Шунинг учун ҳам Европа олимлари Қуръонни дунё маданиятининг энг нодир асари деб таърифлаганлар[2].

Ислом динида ҳар бир кишининг иззати, хурмати, демак ибратли бўлиши унинг илмига, ақлу фаросатига боғлиқ эканлиги таъкидланади. Бу хусусда Муҳаммад пайғамбар ўз ҳадисларида шундай фикр билдиради: “Ҳар бир мусулмонга талаба илм қилиш фарзидир... Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир” [3].

Зеро, Қуръони Каримда кишиларни илмли ва билимли бўлишга даъват этувчи жуда кўп ғоялар мавжуд. Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) га нозил бўлган муқаддас Қуръони Каримнинг энг биринчи ояти «ўқи» деган сўз билан бошланади. Қуръон сураларида бежиз «Биз ерни-Коинотни ибрат учун, ўрганиш учун яратдик» дейилмаган. Чунки Еру Коинотдаги ажиб уйғунлик, яратилган мукамалликдан инсонлар ибрат олмоқлари лозим. Ибрат олишнинг асосида эса бу сиру синоатнинг моҳиятини тушуниш, англашга саъй-ҳаракат туради.

Бинобарин, яхши инсон бўлиш учун инсон ўз руҳини, қалбини поклантириши, ақлий-маънавий юксак бўлиши зарур. Ана шундай одамларгина бошқаларга ибратдир. Яхши одам бўлиш учун эса биринчи навбатда илмли, билимли инсон бўлмоқ жоиз. Ҳадиси шарифларда илм ва олимлик хусиятлари ҳақида ибратли мисол ва ўғитлар жуда кўп: “Охиратда набийлар, олимлар ва шаҳидлар шафоат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар”, “Олимларга эргашингиз. Зеро, улар дунёнинг машъаллари ва охиратнинг чироқларидир...” “Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан”[4]. Илм инсонни ана шундай юксак маънавият шохсупасига кўтарадики, натижада илм ва илмли шахслар ибрат манбаига, тимсолига айланадилар.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, ислом динида “илм” ҳақидаги тушунча кенг маънога эга. Унда илм ҳақида гап борар экан, илм ибрат тимсоли сифатида таърифланар экан, фақат диний қарашлар, диний билим назарда тутилаётгани йўқ. Бунда илм кенг маънода инсоннинг бутун маънавияти, ҳаётга, яшашга муносабат даражасини белгиловчи омил сифатида қаралмоқда. Дарҳақиқат, илм эгасида фаросат, фасоҳат, андиша, орият каби инсоний фазилатлар нисбатан мукамал шаклланганлиги боис атрофдаги воқеа-ҳодисалардан, кишилараро мулоқотлардан, инсоний муносабатлар турфа хиллигидан ҳам ўзига тегишли ибрат намуналарини ажрата олади. Ақл-мушоҳада ва илмий мулоҳаза инсоннинг тафаккурини чархлайди, феъл-атворидаги қусурларга нисбатан ўзида танқидий ёндашув ва ўз-ўзини тергаш, виждони олдида ҳисоб бериш масъулиятини кучайтиради. Бу

хусусда улуғ аждодларимизнинг яна кўплаб қимматли фикрларини, башоратларини келтириш мумкин.

Исломда ибрат тушунчаси наинки илм, хулқу одоб, шунингдек, иймон билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Иймонсиз одам на ибрат олади, на ибратли бўлади. Иймонли одамнинг қалби, фикри ва нияти тоза бўлади. Иймон ибратга йўл кўрсатади, бу йўлни ёритади ва мақсад мазмунини чуқурлаштиради.

Жалолиддин Румий иймонни ҳатто намоздан устун қўяди. У ёзадики, “Иймон намоздан устундир. Чунки намоз кунда беш маҳал, иймон эса ҳамма вақт фарздир. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин. Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузилиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади. Бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ”[5]. Демак, ислом динида ибрат масаласи инсон ақли, билими ва иймон-эътиқоди, ахлоқи, одоби билан ўлчанувчи мураккаб маънавий жараён сифатида талқин қилинади.

Ислом илми ва қадриятларини юксакларга кўтарган алломаларимиз ибрат йўлининг инсон фазилатларини камолга етказишдаги ўрни ва таъсири катта. Бу хусусда тўхталар экан, И.Каримов: «Халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди»[6]деб таъкидлаган эди.

Гарчи мусулмонлар юнон, эрон, ҳинд маданиятлари дурдоналаридан фойдаланган бўлсалар-да, лекин ислом маданияти тушунчаси Қуръони Карим ва ҳадиси шариф билан ҳамиша чамбарчас боғлиқ бўлганлигининг ўзи фикримизга далилдир. Улуғ муҳаддислар ҳадис илмини Пайғамбаримиз Муҳаммад САВнинг ибратли ҳаётини ўрганишдан бошлаганлигида ҳам катта маъно бор.

Шу ўринда Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг «Ал-жомий ас саҳиҳ» (ишончли ҳадислар) тўплами «Ал-Адаб ал-муфрад» тўпламларига киритилган ҳадислар айнан ибрат масаласидаги ислом илми манбаи эканлигини таъкидлаш зарур.

«Ал-Адаб ал-муфрад» (Адаб дурдоналари) имом Бухорийнинг ахлоқ ва одоб масалаларига доир ҳадисларни ўзида жо қилган энг нодир асарларидан ҳисобланади. У икки юз олтмиш етти бобдан иборат анчайин салмоқли асардир[7].

Тўпламга киритилган ҳадисларнинг мазмунини жиддий ўйлаб кўрадиган бўлсак, улар энг олий қадриятларни касб этишга чақирилган даъват эканлигига амин бўламиз. Ана шу қадриятлар замирида инсон ахлоқий фазилатлари тақомилига хизмат қилувчи ибрат манбаи мужассамдир.

Бинобарин, ҳадислар тижорат аҳлини ҳалол бўлишга чақиради, чунки Пайғамбаримиз ҳалол савдо қилувчилар Қиёмат куни энг мўъмин одамлар сирасига киришини уқтиради. Ҳадислар ҳунармандларни, айниқса, улар олдиндан муайян маблағни олиб қўйган бўлса, ўз ишларини сидқидилдан бажаришига даъват этади, чунки «Аллоҳ Қиёмат куни олдиндан маблағ олиб қўйган одамдан ўз ишини бажардими ёки йўқми, албатта сўрайди». Ҳадислар ота-она, ака-укалар ва ака-сингилларни оиладаги ўз бурчларини жамиятдаги каби мукамал адо этишга чақиради, чунки «жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз зиммасидаги мажбуриятлар учун масъулдир».

Ҳадислар одамларни ростгўй бўлишга чақиради, илоҳиёт ҳақиқати шундан иборатки, «доимо ростгўй бўлган одамгина Аллоҳ таоло томонидан мўъминлар қаторига киритилади». Ҳадислар одамларни меҳрибонликка чақиради: «Ер юзидагиларга меҳр-шафқат кўрсатинг, самовий ва арозий оламлар Парвардигори ҳам сизларга шафқат қилади [8]. Ҳадисларда мол-дунёга ҳирс қўйишнинг инсон учун омад эмас, офат келтирувчи иллат эканлиги ҳақидаги ибратли мисоллар ҳам шахс ахлоқий фазилатларининг камол топишига хизмат қилади.

Ҳадисларда қайд этилишича, «банданинг молу дунёга қўйган ҳирси икки оч бўрининг қўй подасига қилган тажовуздан кўра зарарлироқдир. Зеро, бу билан у ўз дини имонига путур еткази»[9]. Ислом илми ва маънавиятимизнинг машҳур намояндалари асарларида ҳам ибрат масаласига алоҳида эътибор берилган. Уларда инсоннинг қадр қиммати инсон қалбининг поклиги, ундаги имон ва қилган ибратли ишлари билан ўлчаниши алоҳида қайд этилиб, эзгу амаллардан ибрат олишга даъват қилинган.

Айниқса, инсон ҳаёти давомида ўз ўтмишдошлари, аждодларидан ибрат олиши лозимлиги ҳақида Аҳмад Яссавий шундай ёзади:

Ўтканлардин ибрат олиб йўлга кирмай,
Навҳа фарёд айтиб анда ўртаб-ёнмай.
Кеча-кундуз юрмишмен ўзни билмай,
Сўрар бўлса, мен қул анда не қилғаймен [10].

Аҳмад Яссавий ҳикматларидаги илоҳий силсила энг аввало инсоннинг бу фоний ҳаётда яшаши давомида билиб-билмай гуноҳ қилиши, гуноҳлардан фориг бўлмоқ учун дилдан тавба қилиши ҳамда эзгу, хайрли ишларни қилиб, ўз умрининг ўткинчилигини ҳис этган ҳолда ўтмишидан ибрат олиб яшаши зарурлиги масаласига катта ўрин берилган. Бу заруриятни у қуйидагича ифодалайди:

Гуноҳингга тавба қилиб йиғлаб юрғил,
Кетаман деб йўл бошига бориб турғил,
Кетганларни кўруб сен ҳам ибрат олғил,

Ибрат олсанг, етмиш еринг бўлур гулзор [11].

Инсон ҳаёти давомида яхши хулқли ва фазилатли инсонлардан, инсон руҳиятини зийнатлайдиган воқеликдан, табиатдаги уйғунликдан, аждодлар меросидаги маънавиятдан ибрат олиш орқали покдомонлик ва комиллик зинасига кўтарилади ҳамда ғазаб, нафрат, кибр-ҳаво, ҳасад, баднафслик кабилардан фориғ бўлиб боради.

Хулоса. Ислом илоҳиёти ва маърифатида ибратга муносабат кўпроқ шахснинг ахлоқий дунёқараши ҳамда дину диёнат, адолат, халқпарварлик, инсонпарварлик ғояларида алоҳида кўзга ташланади.

Ислом дини манбаларини тадқиқ ва таҳлил қилиш шундан далолат берадики, Қуръони Карим, ҳадиси шариф, буюк муҳаддисларнинг бизга қолдирган манбалари, маърифат аҳлининг ўғитлари шахс ахлоқий фазилатларини камол топтиришдаги бебаҳо асос, маънавий хазинадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир / «Халқ сўзи» 2017 йил 1 июль.
2. Хўжаева А., Қобилжонова Г., Қўзибоева М., Охунова М. Ислом ва инсон камолоти. Истиклол йиллари: Миллий-диний кадрятларнинг халққа қайтиши (Андижон). – Тошкент, 2001. – Б. 62-63.
3. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 93.
4. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 61.
5. Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б. 34-35. 122
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 36-37.
7. Бобоев Х., Гофуров З. Миллий истиқлол мафқураси ва тараққиёт. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 45.
8. Саттиев И.М. Имом Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомийъ Ас-Саҳих»и мусулмонлар ҳаётининг йўлчи юлдузи. Замонамиз уламолари. – Тошкент, 2001. – Б. 52-53.
9. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990. – Б. 198.
10. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент, 1993. – Б. 5.
11. Аҳмад Яссавий. Девони хикмат. – Тошкент, 1977. – Б. 60.